

хашаки арпа ҳосилдор навлари яратишнинг бошланғич манбалари
СармановШ., Зухуров Й., Мирзаев Н.

Дон ва дуккакли экинлар ИТИ Қашқадарё филиали,
Қаршимухандислик-иқтисодиётинститутини

Annotation: Barley are important food, fodder, fodder and technical crops. To prepare its grainbarley flour perelovka.

Калимсўзлар: Арпа, нав, намуна, манба, селекция, коллекция, дўрагай, касаллик, бактерия, чидамлилиқ, сифат, натура, оқсил.

Арпа муҳим озиқ-овқат, ем хашак ва техникавий экин. Унинг донидан арпа ёрмаси, переловка, ун тайерланади. Арпа уни буғдой ёки жавдар унига қўшилиб нон ёпишда ишлатилади. Арпа солоди-дан ажратиб олинган экстракт модалари медицина кондиктерлик ва тери пишириш саноатида фойдаланилади.

Унинг экинлари шимолий кутбдан ўтиб шимолий кенгликнинг 68 С хатто 70 С гача жанубда эса то экваторгача етади. Ер шарининг жанубий қисмида ҳам экилади. Тоғлик ҳудудларида арпа экини бошқа донли экинлардан баландроғида учрайди.

Арпа экини Европа мамлакатларида (Словения, Буюк Британия, Польша, Недерланд, Франция) Шимолий Америка, Осиёда тарқалган. Арпанинг кузги ва кишлайдиган навлари Украинанинг жанубида Малдова, Шимолий Кавказ, Кавказ орти ва Ўрта Осиёда экилади. *Hordeum L* туркуми ғалладошлар (*Gramineae*) ёки кўнғир бошлар (*Poaceae*) оиласига мансуб. *H. vulgare L*-кўп қаторли арпа, *H. disticum L*-икки қаторли арпа, *H. intermedium Vav.et Orl*-оралиқарпа.

Арпа ўсимлиги бир қанча касалликлар билан зарарланади. Улар орасида кўп зарар етказадигани қора куянинг турли хиллари (чанг, қаттиқ тошли), ун шудринг касаллиги гелминтоспориоз (хол-холли, чизиқли, турсимон), илдиз чириш касаллиги. Бундан ташқари арпа ўсимлиги занг замбуруғ-лари, ринхоспориоз, сиптопориоз бактериялар ва верус касалликлари билан зарарланади.

Арпанинг уруғи 1-2 С – ҳароратда униб чиқади, майсалари қисқа муддатли - 8 С совуққа бардош беради. Донли экинлар орасида арпа ўта эртапишар, қурғоқчиликка ва шўрланиш чидамли ўсимликдир. Ортиқча намликка ва нордон тупроқларга чидамсиз.

Экинни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиб олишни технологик хусусиятларни таъминлайди-ганларга ётиб қолишга, тўкилишга, бошоқларни

ва поясини бўғинларини мўртлиги туфаайли синишга чидамли киради. Қилтиқлари янчиш жараёнида осонлик билан ажралиш керак.

Арпанинг қилтиқ-сиз ва фурқатли шакллари елекциясига катта эътибор берилади. Бу хилдаги навларнинг сомони чорва молларига озуқа сифатида фойдаланиш мумкин.

Хашаки (ем-хашак) ва ёрма йўналишларидаги арпа пиво пишириш учун арпадан кескин фарқ қилади. Хашаки арпа уруғининг таркибида кўп миқдорда оксил ва оксил таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар (лизин, триптофан, финилаланин) бўлиши муҳимдир.

Ёрма тайёрлаш учун қимматли озуқабоблигидан ташқари АРПА донинг технологик ва яхши таъмлилик кўрсаткичлари бўлиш керак. Дончаси йирик, сариқ ариқчаси саёз, бир текис бўлиши мақсадга мувофиқ.

Бундай арпанинг ёрмаси тезликда ва бир текис пишиши ва кашани чиқишини катта хажмли, ёқимли хидли ва яхши таъми сифатларини таъминлаш керак.

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалида арпа навларининг истиқболли навларини яратиш, танлаш борасида бир қанча илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Филиал халқаро 354 ташкилотлар ва илмий тадқиқот институтларидан келтирилган, маҳаллий навлардан ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, ҳамда абиотик ва биотик омиллар таъсирига чидамли бўлган нав ва намуналар танланиб чатиштириш ишлари ўтказилди.

Бошоқли дон экинларининг асосий кўрсаткичларидан 1000 дон дон вазни, ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Коллекция кўчатзорида экилган арпа навлари ўсимлик-ларининг ётиб қолишга, касалликларга чидамлиги, ўсимликлар ташқи кўриниши, донининг йирик-лиги, бошоқ узунлиги ва бошқа ўрсаткичлари атрофлича баҳоланди.

Арпа навларини янгидан яратиш мақсадида 2009 йилда 13 та гибрид комбинацияда, 2010 йилда 48 та гибрид комбинацияда, 2011 йилда 12 та гибрид комбинацияда, 2012 йилда 35 та гибрид комбинацияда, 2013 йилда 24 та гибрид комбинацияда, 2014 йилда 36 та гибрид комбинацияда ва 2015 йилда 48 та гибрид комбинацияда чатиштириш ишлари амалга оширилди. (1-жадвал). Ҳозирги вақтда 216 та гибрид комбинацияда чатиштириш атижасида (F0, F1, F2, F3, F4, F5) дўрагай намуналар олишга эришдик.

Арпанинг дўрагай намуналари оталик ва оналик формаларига аққосланган ҳолда якка танлаш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари чатиштириш натижасида олинган дўрагайларни туйинтириш ишлари ҳам олиб орилмоқда. ДДЭИТИ Қашқадарё филиалида IKARDA ва бошқа халқаро ашкилотларидан Ўзбекистон ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти

карантин томнигида синовдан ўтказилиб келтирилган арпа нав ва намуналар тажриба коллекция кўчатзорларида экилиб, маҳаллий навлар билан таққосланиб селекция ишлари олиб орилмоқда.

2015 йил арпа нав ва намуналарининг, халқаро ва маҳаллий коллекциялардан чатиштириш натижасида олинган дурагайлар Комбинация номи

№1 Оналиклар ♀ Оталиклар ♂ Чатиштирилган бошоқлар сони, дона
Чатиштирилган бошоқчалар сони, дона ҳосил бўлган донлар сони, дона %

- 1 Воха НП/71/11/Д-24/2009 5 50 22 44
- 2 Rubicon/Pamir-168 ICB00-2252-1 III/2007/2110 5 50 24 47
- 3 Д/Н/0821 Roho/Mazurka//ICB-103020/3/YE 5 60 31 52
- 4 Болғали Pamir-009 5 50 23 46
- 5 Rubicon/Pamir-168 ICB00-2252-1 Мавлоно 5 70 39 55
- 6 Болғали Rubicon/Pamir-168 ICB00-2252-1 5 50 24 48
- 7 Доброная Bolgali/4/Roho//Alger/Ceres362-1- 5 60 22 37
- 8 Болғали Pamir-009 5 70 45 64
- 9 Мавлоно CWB117-77-9-7//Hml-02/ArabiAb 5 50 22 43
- 10 Доброния Pamir-009 5 50 32 64
- 11 Кондират Alpha/cum//SWB//7-. 5 50 19 37
- 12 Albayon/Nk1272/4/Ar Ardak/3/Alpha/Durra//CWB117-77 5 50 22 43
- 13 CWB117-77-9-7//Hml-02/ArabiAb K-499 5 60 23 38
- 14 K-499 Болғали 5 60 16 27
- 15 Pamir oos/Sodik 204... Alpha/Durra//CWB117-77-97/5/WI 5 50 21 42
- 16 Pamir oos/Sodik 204... K-499 5 50 27 54
- 17 Pamir oos/Sodik 204... Нозиктам 5 50 18 36
- 18 Soufara02/3/RM1508 Pamir-009 5 50 33 65
- 19 Roho/Masurka//SB-10 Pamir154//Radikal/Birgil... 5 50 17 33
- 20 Albayon/Nk1272/4/Ar Soufara02/3/RM1508/Poril/ 5 50 19 38
- 21 Қизилқурғон Кондират 5 50 21 41
- 22 Добринная Мавлоно 5 50 26 52
- 23 Мавлоно Alpha/Durra//CWB117-77-97/5/WI 5 50 19 37
- 24 Sodik -02 Victoria/M2//-4-30... 5 70 45 64
- 25 K-499 Нозиктам 5 50 23 45
- 26 Пара-118 НП 99/IX 5 50 24 47 355
- 27 НП4/18 Ste/Antores VEA7762-21... 5 50 20 39
- 28 K-499 Sodik -02 5 60 31 51
- 29 НП4/18 Sodik -02 5 50 23 46
- 30 НП4/18 НП99/IX 5 50 19 37
- 31 Ste/Antores VEA7762-21... Sodik -02 5 50 16 32

32 Vicont/3/Roho/Mazurka//ICB-103 Victoria/M2//-4-30... 5 50 20 39
 33
 Ste/AntoresVEA7762-
 21...
 Victoria/M2//-4-30... 5 60 22 37
 34
 CWB117-77-9-7//Hml-
 02/ArabiAb
 Sodik -02 5 50 21 42
 35 K-499 Папа-118 5 70 26 37
 36
 Ste/AntoresVEA7762-
 21...
 K-499 5 50 20 40
 37 Папа-118 Vicont/3/Roho/Mazurka//ICB-103 5 50 16 32
 38 Папа-118 Alpha/Durra//CWB117-77-97/5/WI 5 50 15 29
 39 K-499 Болғали 5 40 13 33
 40 Alpha/Durra//CWB117-77-97/5/WI Sodik -02 5 50 18 36
 41 Sodik -02 Vicont/3/Roho/Mazurka//ICB-103 5 50 22 43
 42 НПА4/18 Victoria/M2//-4-30... 5 70 25 36
 43 Ste/AntoresVEA7762-21 Sadik-02/Sararood-1 ICB00-1563-2 5 50 16 32
 44 Rubicon/Pamir-168 ICB00-2252-1 Папа-118 5 50 21 41
 45 Victoria/M2//-4-30... CWB117-77-9-7//Hml-02/ArabiAb 5 50 27 53
 46 Alpha/Durra//CWB117-77-97/5/WI Victoria/M2//-4-30... 5 60 22 37
 47 Папа-118 Ste/AntoresVEA7762-21... 5 50 22 44
 48 Sodik -02 Victoria/M2//-4-30... 5 50 21 41

Фойдаланган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Дехкончилик тараққиёти-фаровонлик манбаи. Тошкент, 1994 й.
2. Дала экинлар хусусий селекцияси. Д.Т.Абдукаримов. Тошкент 2007 й.
3. Қурбонова Г.К. Ўзбекистоннинг лалми ерларида арпанинг селекцияси. Тошкент. ФАН 1966 й.
4. Абдукаримов Д.Т., Сафаров Т., Останакулов Т.Э. Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва генетика асослари. Тошкент "Мехнат" 1989.
5. Ўсимликларнинг селекция биологиясининг фундаментал татқиқотларнинг ривожланиши. Селекция ва уруғчилик. Шевелуха. 1993 й.
6. А. Омонов, Ш.Р.Сатторов, Р.Ш.Тиллаев, И.М.Рахматов, Б.Ж.Жуманов, З.Ф.Зиядуллаев, Ф.Ё.Норов,
 "Қашқадарё вилоятида бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштириш омиллари"
 қарши – 2001.

7. Тожиев.М, Хушманов. “Экилаётган ва янги истиқболли буғдой ва арпа навларини экологик синаш натижалари”. 236 бет.